

**“ИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ГЛОБАЛ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЎРНИ”**

**Файзуллаев Умиджон Дилишод ўгли**

ГДИУ магистранти

Tel: +998 33 321 99 99

**Аннотация.** Магистрлик диссертацияси ишида Ўзбекистон Республикасини Халқаро иқтисодий интеграцион ташкилотлар (ЖСТ ва ЕОИИга)га аъзо бўлиш жараёнида божхона тўловлари йўналишидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили амалга оширилган бўлиб, хозирги кунда амалда бўлган божхона тўловларини халқаро талабларга унификациялаш билан бирга янада такомиллаштириш бўйича вужудга келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари тадқиқ қилинган. Мазкур йўналишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Аннотация.** В магистерской диссертации анализируются структурные изменения в сфере таможенных пошлин в процессе присоединения Республики Узбекистан к Международной организации экономической интеграции (ВТО и ЕОИИ), существующие проблемы и способы их решения для дальнейшего совершенствования, а также приведение существующих таможенных пошлин в соответствие с международными требованиями. Были разработаны предложения и рекомендации по улучшению этой области.

**Annotation.** The master's thesis analyzes the structural changes in the field of customs duties in the process of joining the Republic of Uzbekistan to the International Organization for Economic Integration (WTO and EOII), existing problems and ways to solve them for further improvement, as well as bringing existing customs duties in line with international requirements. Suggestions and recommendations were developed to improve this area.

**Ключевые слова:** Всемирная торговая организация, Евразийский экономический союз, экономическая интеграция, таможенные пошлины, ввозные таможенные пошлины, налог на добавленную стоимость, таможенные пошлины, инвестиции, таможенные тарифы. **Таянч сўзлар:** Бутунжахон Савдо Ташкилоти, Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи, иқтисодий интеграция, божхона тўловлари, импорт божхона божси, қўшилган қиймат солиғи, божхона йиғимлари, инвестиция, бож тарифи.

**Keywords:** World Trade Organization, Eurasian Economic Union, economic integration, customs duties, import customs duties, value added tax, customs duties, investments, customs tariffs.

Иқтисодий ривожланган давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш тажрибаси давлатнинг фаол мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ролисиз самарали ташқи иқтисодий стратегияни амалга ошириш мумкин эмаслигини тасдиқламоқда. Миллий бозор ва маҳаллий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш ва иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик жараёнларининг кенгайиши халқаро савдонинг умумий нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилишига ва ихтисослаштирилган ташкилотларининг тузилишига олиб келди. Жумладан Жаҳон савдо ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти кўп тарафлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институционал асосини таъминловчи, халқаро савдонинг деярли барча жабҳаларини қамраб олган йирик халқаро муассасалар ҳисобланади.

Хусусан, жаҳон иқтисодиётида кечаётган жараёнларни таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, ташқи савдони эркинлаштириш жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияларидан бирига айланмоқда. Барча мамлакатларда божхона божларининг пасайиши, кўплаб турдаги чеклашларнинг бекор қилиниши кузатилмоқда. Кўплаб мамлакатлар яширинча протекционистик (давлатнинг ўзини ички бозорини ҳимоя қилиш сиёсати) чора-тадбирлардан ҳам кенг фойдаланадилар. Бундай чора-тадбирлар жумласига миллий ишлаб чиқариш турларига дотациялар бериш, экспортни субсидиялаш, турли хил меъёрлар ва стандартлар жорий қилиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Жаҳон хўжалигида эркин савдо ва протекционизм ўртасида вужудга келаётган зиддиятларни ҳал этишда, халқаро савдони бошқариш, унинг тараққиётига бўлган тўсиқларни йўқ қилиш ва эркинлаштиришида халқаро ташкилотлар ва конвенциялар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак”<sup>1</sup>.

Хозирга кунда, Ўзбекистон Республикаси олдида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо булиш муҳим вазифа саналмоқда. Айни пайтда, мамлакат бу борадаги музокараларни фаоллаштиришга киришиш боскичида бўлиб ушбу ташкилотга киришнинг асосий шартларидан бири эса ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ)ни бошқаришда тариф ставкаларини пасайтириш талаб қилинади.<sup>2</sup> Шу сабабли,

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан, Тошкент шаҳри, 2016 йил 14 декабрь

<sup>2</sup> Роль всемирной торговой организации в глобальном управлении. Весь мир-2004. Восстановление доверия в многосторонней торговой системе: следует ликвидировать “разрыв в легитимности” Рубенс Рукперо 72-С.

давлат томонидан бож-тариф сиёсатини ислоҳ қилиш ҳозирги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг учинчи устувор йўналиши борасида мамлакатимизда валютани тартибга солиш, ташқи савдо, божхона ва солиқ қонунчилигини либераллаштиришда тубдан ислоҳотлар амалга оширилмоқда, бу ўз ўрнида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига киришда қулай шароит яратиб беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ЖСТга аъзо бўлиш муаммоларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, бу борада Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо сифатида кириши юзасидан музокараларни фаоллаштириш юзасидан 2018 йилда Ташқи савдо, Молия ва Иқтисодиёт вазирлигидан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилиб, 34 банддан иборат “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, танланган мавзунинг долзарблиги куйидагиларда намоён бўлади:

- **биринчидан**, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш белгиланганлиги;
- **иккинчидан**, Ўзбекистонда бож-тарифи ставкаларини Жаҳон савдо ташкилоти талабларига миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш зарурияти;
- **учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси бож-тарифи ставкаларини уйғунлаштиришга йўналтирилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишга бўлган зарурат.

Иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи **эркин савдо ҳудудини** ташкил этишдир. Бунда мамлакатлар эркин савдо ҳудуди доирасида иштирокчи ўзаро савдо тўсиқларини бекор қилади, лекин уларнинг ҳар иккаласи учинчи мамлакатларга нисбатан савдо тўсиқларни бузмайди. Бундай маконда қатнашувчи мамлакатлар чегаралардаги божхона назорати сақлаб қолиниши керак. Унинг мақсади - қўшни қатнашчи мамлакатнинг сустроқ божхона тўсиғи орқали учинчи мамлакатлардан ҳудудга кириб келиши мумкин бўлган импорт товарлар учун солиқ ундириш ёки уни тақиқлашдан иборат. Бу қоида учинчи мамлакатларга товар экспорт қилишга ҳам тааллуқлидир.

Иқтисодий интеграциянинг иккинчи босқичи савдода, меҳнат ва капитал ҳаракатида ягона тарифларни ўрнатиш орқали **божхона иттифоқини**

яратишдир. Бу босқичда қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдода барча чеклашларни бартараф этибгина қолмай, ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини таъсис этадилар. Бу билан ички чегараларда божхона хизматини сақлаш заруратини соқит қиладилар. Божхона иттифоқи эркин савдо ҳудудларига нисбатан такомиллашган интеграция тузилмани ўзида акс эттиради. Божхона иттифоқи доирасидан қатнашчи мамлакатларнинг ишлаб чиқариши ва истеъмоли тузилишида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Божхона тарифларига нисбатан ягона ташқи савдо сиёсатини ўтказиш, протекционизм ва шу кабиларни қўллаш орқали мамлакатлар ташқи тариф даражасини ҳисобга олган ҳолда товар оқимларни тартибга солади. Бу эса ўз навбатида ресурсларни қайта тақсимлашда, истеъмол ва ишлаб чиқаришда муҳим туртки бўлади.

Божхона иттифоқидан **ягона бозор** (учинчи босқич)га ўтиш иқтисодий омиллар каби, сиёсий омиллар билан ҳам асосланади. Халқаро айрибошлашдан тариф тўсиқлари йўқолишига қарамай, нотариф тўсиқлар мавжуддир ва улар қийинчиликларни юзага келтиради. Уларга техник меъёрларнинг турли - туманлиги, товарларнинг миллий белгиларини қонуний ҳимоялаш ва шу кабиларни мисол келтириш мумкин. Божхона иттифоқи доирасида амалга ошириш мумкин бўлмаган йирик вазифаларни хал этиш орқали ягона бозорни яратиш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, божхона иттифоқи аъзо давлатлар ўртасида божхона божларини қисқартириш ва учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини ишлаб чиқиш орқали ягона бозорга ўтиш шарт - шароитларини яратади.

Бироқ ягона бозорни яратиш учун яна қуйидаги вазифаларни хал этиш лозим:

- иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва бўғинлари ривожлантиришнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиш;
- товарларнинг тўсиқларсиз кўчиши, хизматлар, ахборот, капитал, ишчи кучини эркин ҳаракатланиши учун шароитларни яратиш;
- интеграция жараёнларининг афзалликларини ҳақиқатда хис этишга имкон берувчи ижтимоий ва ҳудудий тараққиётга кўмаклашувчи умумий фондларни (жамғармаларни) шакллантириш;

Ягона бозорни яратиш ягона иқтисодий, ҳуқуқий ва ахборот маконини ташкил этиш билан тугалланади. Бунда иқтисодиёт соҳасининг барча ҳуқуқий асослари бирхиллаштирилган ҳолда ягона ахборот макони, яъни барча аъзо давлатларнинг ҳудудда юзага келадиган иқтисодий вазият тўғрисида барча йўналишларда тезкор ахборот алмашиш имкониятини берувчи дастур ва бошқарув органини ташкил этишни назарда тутлади. Бу иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичи **тўла иқтисодий иттифоққа** (тўртинчи босқич) ўтиш учун туртки бўлади.

Тўла иқтисодий иттифоқда қатнашувчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатни, шунингдек савдога ҳамда ишчи кучи ва сармоя оқимига тааллуқли сиёсатларини бир хиллаштирадilar.

Энг сўнгги босқич **тўлиқ иқтисодий ва сиёсий иттифоқ** бўлиб, бунда аъзо давлатлар ягона ташқи сиёсатни олиб боришлари керак бўлади.

Ҳозирги кунда дунёда 5 та асосий иқтисодий блок мавжуд бўлиб, улар **Европа Иттифоқи, MERCOSUR** - Жанубий Америка давлатларининг давлатлараро иқтисодий бирлашмаси, **NAFTA** – Шимолий Америка эркин савдо зонаси, **АСЕАН** – Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси ва **Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)** ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси устувор йўналишлари ижросини таъминлаш бўйича халқаро майдонда тенг ҳуқуқли савдо шерикчилигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш ва миллий қонунчиликни халқаро савдо нормаларига интеграция қилиш бўйича босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, глобализация ва дунё бозорида ривожланиб бораётган рақобат шароитида Жаҳон савдо ташкилоти ва ЕОИИга аъзолик Ўзбекистон Республикасининг асосий мақсадларидан бири саналади. Шу сабабли иқтисодий ташкилотларга аъзолик жараёнларидаги музокаралардан олдин Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган йўналишларни аниқлаш ва уларни имкон даражада ҳимоясини таъминловчи шартлар имзоланишига эришиш лозим.

Жаҳонда ва Миллий иқтисодиётимиздаги жадал ривожланишлар ва уларнинг давлатлар томонидан тартибга солиниши ва ўзаро истиқболли режаларини амалга ошириш учун қуйидагиларни белгилаш мумкин:

–республикада ишлаб чиқаришнинг потенциал имконияти бўлмаган ёки норентабел бўлган товарларни аниқлаш ва уларга нисбатан импорт божи ставкаларини оптималлаштириш (*масалан: цитрус мевалар, алкоголь ичимликларнинг айрим турлари, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва ҳк.*);

–ҳозирда мавжуд инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган товарларга нисбатан мавжуд импорт божи ставкаларини ушлаб туриш ва мазкур лойиҳалар “ўзини оқлагандан” (ишлаб чиқарилган маҳсулот ички ва ташқи бозорда ўзининг харидорига эга бўлиши) сўнг бож ставкаларини тушириш бўйича чоралар кўриш (*масалан: маиший техникалар, тўқимачилик маҳсулотлари, тайёр кийим-кечак маҳсулотлари ва ҳк.*);

–республикада етарли ҳажмда ишлаб чиқариладиган ҳамда аҳоли саломатлигага салбий таъсир ўтказадиган ижтимоий муҳим аҳамиятга эга

бўлмаган товарларга нисбатан импорт божи ставкаларини ошириш (масалан: тамаки ва алкоголь маҳсулотлари ҳамда ҳк.);

–айрим товар ва ташкилотларга нисбатан ҳозирда мавжуд имтиёз ва субсидияларни қайта куриб чиқиш ҳамда уларни қисқартиришга доир қатъий чоралар кўриш (масалан: қурилиш ташкилотлари ва авто эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, “Artel”, “GM-Uzbekistan” компаниялари ва ҳк.);

–мавжуд монопол ташкилотга ЕОИИга аъзоликдан кейинги эркин бозор режими шароитида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар бўйича тавсиялар бериш ва мазкур ташкилотларга берилган имтиёзларни аъзоликка қадар бекор қилиш;

–мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини акс эттирган “Миллий бож-тариф Стратегияси”ни ишлаб чиқиш;

–ташкилотга аъзо бўлиш бўйича музокаралар жараёнида имкон қадар Ўзбекистон Республикаси учун узоқ муддатга мўлжалланган ўтиш даври тақдим қилинишига эришиш (масалан: камида 5 йил).

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик

1.1 Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 20.01.2016 йил

1.2 Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарори.

1.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5837-сон фармони.

1.4 “Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисида”ги Битим. 03.10.2014 йил.

1.5 СмитА. Исследования о природе и причинах богатства народов.- М.:Итисод, 1962.

1.6 Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқидан, Тошкент шаҳри, 2016 йил 14 декабрь. [1,]

1.7 Роль всемирной торговой организации в глобальном управлении. Весь мир-2004. Восстановление доверия в многосторонней торговой системе: следует ликвидировать “разрыв в легитимности” Рубенс Рукуперо. [2, 72]

1.8 Сайтлар:

2. <http://www.kun.uz>

3. <http://www.lex.uz>

4. <http://www.religions.uz>

5. [www.unctad.org](http://www.unctad.org).